



## О'zbekiston Respublikasi Prezidentining Qarori

2021 yil « 4 » noyabrь

№ ПК-5278

### “Ургут” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш чора-тадбирлари түғрисида

Самарқанд вилоятининг Ургут туманини янада ривожлантириш, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида яратилган қулай бизнес юритиш тажрибасини бошқа ҳудудларга татбиқ қилиш, юқори технологиялар асосида ҳудуднинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Махсус иқтисодий зоналар түғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида:

**1. Самарқанд вилоятининг Ургут тумани ҳудуди** инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун **эркин иқтисодий зона** этиб белгилансин.

Бунда, Ургут туманининг ҳудудий чегаралари ичida инновацион юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширадиган тадбиркорлик субъектларига белгиланган тартибда **“Ургут” эркин иқтисодий зонаси** (кейинги ўринларда – “Ургут” ЭИЗ) **иштирокчиси мақоми** берилади.

**2. Инвестициялар** ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг:

1-иловага мувофиқ жами **580,8 гектар ер майдонларини** давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш, шундан **273,6 гектар** ер участкасини қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасидан бошқа ер тоифасига ўтказиш;

ер участкаларини белгиланган тартибда давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказган ҳолда, “Ургут” ЭИЗ дирекциясига доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратиш орқали **“Ургут” ЭИЗ ҳудудини кенгайтириш түғрисидаги таклифларига** розилик берилсин.

**3. Қуидагилар Самарқанд вилояти махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари маъмурӣ кенгашининг “Ургут” ЭИЗ дирекциясига доимий фойдаланишга берилаётган ер участкаларига нисбатан **фаолиятининг асосий йўналишлари** этиб белгилансин:**

ташқи бозорларда талаб катта бўлган ва импортнинг ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг тўғридан-тўғри инвестицияларини жалб этиш;

**Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;**

маҳаллий хомашё ва материаллар негизида **мустаҳкам кооперация алоқаларини ўрнатиш** ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва, умуман, республикада **саноат кооперациясини ривожлантириш** асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш.

**4. “Ургут” ЭИЗнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

**5. Самарқанд вилояти ҳокимлиги 2022 йилнинг 1 июлига қадар:**

Қурилиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргалиқда “Ургут” ЭИЗнинг янги ҳудудлари **бош режаларини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргалиқда “Ургут” ЭИЗнинг янги ҳудудларини тасдиқланган бош режаларига асосан **муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси** билан таъминлаш бўйича қуриладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда келишиш ишларини якунласин.

**6. Қуидагилар:**

Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси ДУК “Ургут” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш ишлари бўйича **буюртмачи** этиб;

**Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг маҳаллий бюджети маблағлари**, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар “Ургут” ЭИЗнинг бош режасини, объектлар лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

“Ургут” ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича **бош пудрат ташкилоти** белгиланган тартибда аниқлансин.

**7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш марказининг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда мавжуд штат бирликлари сони доирасида, ходимлари сони **З та штатдан** иборат “Ургут оғиси” ташкил этилсан ва унга “Ургут” ЭИЗ ҳудудида амалга ошириш учун **истиқболли лойиҳавий таклифлар** ишлаб чиқиш ҳамда ташаббускорларнинг **войиҳа ҳужжатларини** ишлаб чиқиша кўмаклашиш вазифаси юклансин.**

**8. Белгилансинки:**

“Ургут” ЭИЗ ҳудудида, шу жумладан янги ташкил этиладиган ҳудудларда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер участкаларини ажратиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги “Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада таомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5600-сон Фармонига мувофиқ **электрон онлайн-аукцион** орқали амалга оширилади;

“Ургут” ЭИЗ ҳудудига ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган ер майдонлари ажратилиши билан боғлиқ қишлоқ ҳўжалиги ва ўрмон ҳўжалиги ишлаб чиқариши **нобудгарчиликлари** ўрнини қоплаш бўйича тўланадиган компенсация тўловлари, истисно тариқасида, **ундирилмайди**.

**9. Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари Қишлоқ ҳўжалиги** вазирлиги билан биргаликда икки йил муддатда қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдонлари қисқариб кетишининг олдини олиш мақсадида “Ургут” ЭИЗ лойиҳаларини жойлаштириш учун ажратилаётган **қишлоқ ҳўжалигига мўлжалланган ер майдонларига тенг миқдорда янги ерларни ўзлаштириш** чораларини кўрсин.

**10. Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари** Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари билан биргаликда белгиланган тартибда:

**икки ой муддатда** Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари иқтисодиётининг эҳтиёжлари, шунингдек, мавжуд минерал хомашё ва инфратузилмани инобатга олган ҳолда, “Ургут” ЭИЗ ҳудудида импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича аниқ таклифлар – “йўл хариталари” ишлаб чиқилишини;

“Ургут” ЭИЗ ҳудудида ўзлаштириш учун таклиф қилинаётган импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турлари тўғрисидаги маълумотларнинг тадбиркорлик субъектларига етказилишини;

“Ургут” ЭИЗ ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларини жалб этиш, улар билан тизимли ишлар олиб бориш, шунингдек, “Ургут” ЭИЗ ҳудудида ишлаб чиқаришларни жойлаштириш бўйича инвестиция буюртманомалари сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминласин.

#### **11. Қўйидагилар:**

Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаковга – вазирликлар, идоралар, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликларининг “Ургут” ЭИЗ ривожланиши ва самарали фаолият юритиши, шунингдек, унинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини назорат қилиш;

енергетика вазири А.С. Султанов, уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири Ш.С. Хидоятов, транспорт вазири И.Р. Махкамовга – “Ургут” ЭИЗ ҳудудидаги инвестиция лойиҳаларининг обьектлари фойдаланишга топширилгунга қадар зарур муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ҳамда мавжуд ресурс ва техник имкониятлардан келиб чиқиб, уларга талаб этиладиган ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси етказиб берилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

#### **12. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:**

**уч ой муддатда** “Ургут” ЭИЗнинг янги ҳудудларини муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмаси билан таъминлаш учун Араб мувофиқлаштириш гуруҳи институтларининг зарур маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин;

**ИККИ ОЙ МУДДАТДА** манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчиллик ҳужжатлариға ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

**13.** Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари А.Б. Воитов ва Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижадорлиги тўғрисида **2022 йилнинг 1 февраль ва 1 июль санасига** қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 4 ноябрдаги ПҚ-5278-сон қарорига  
1-илова

**“Ургут” эркин иқтисодий зонаси ҳудуди таркибига кирувчи янги ҳудудлар  
РҮЙХАТИ**

T/р	Ҳудуд ва унинг чегаралари	Майдони (га)
<b>Самарқанд вилояти бўйича</b>		
1.	<b>Булунғур тумани, “Ғўбдин” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “M-39” автомагистрал йўли; шарқий томондан – “Витис Доминиус” МЧЖ ХК ҳудуди; жанубий томондан – “Ғўбдин” кичик саноат зонаси ҳудуди; ғарбий томондан – аҳоли яшаш пункти ҳудуди.	20,0
2.	<b>Жомбой тумани, “Назар” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Назар” МФЙ ҳудуди; шарқий томондан – “Назар” МФЙ ҳудуди; жанубий томондан – “Фирдавс қурилиш хизмати”, “Қора Гавҳар Ойбек”, “Жомбой қурилиш” ва “Дамир қурилиш сервис” МЧЖлар ҳудуди; ғарбий томондан – Жомбой тумани кичик саноат зонаси ҳудуди.	13,8
3.	<b>Жомбой тумани, “Назар” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Uzagrologistics Centers” ва “Диёра НДА” МЧЖлар ҳамда “Назар” МФЙ ҳудуди; шарқий томондан – “Жомбой олтин далалари” ва “Отабек Давуров” фермер хўжаликлари ҳудуди ҳамда “Сўхмон” МФЙ ҳудуди; жанубий томондан – “Тошкент–Бухоро–Термиз” темир йўли; ғарбий томондан – “Назар” МФЙ ҳудуди.	88,8
4.	<b>Иштиҳон тумани, “Кўтарма” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – Оқдарё қирғоқ минтақаси ерлари ҳудуди; шарқий томондан – Оқдарё қирғоқ минтақаси ерлари ҳудуди; жанубий томондан – “Зарбанд Мева Экспорт” МЧЖ ҳудуди; ғарбий томондан – “Орзиқул” ва “Мерос” фермер хўжаликлари ҳудуди.	23,8
5.	<b>Каттақўрғон шаҳри, Ингичка қўрғончаси, “Ислом Шоир” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Ислом Шоир” МФЙ ҳудуди; шарқий томондан – “Ислом Шоир” МФЙ аҳоли яшаш пункти; жанубий томондан – “Ислом Шоир” МФЙ ҳудуди; ғарбий томондан – “Ислом Шоир” МФЙ ҳудуди.	20,0
6.	<b>Каттақўрғон тумани, “Яккабоғ” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Иска” қишлоғи, “PPR”кўчаси;	10,0

T/р	Худуд ва үнинг чегаралари	Майдони (га)
	шарқий томондан – “Иска” қишлоғи, “Иска” кўчаси; жанубий томондан – “Каттақўрғон шаҳар–Жума шаҳар” автойўли; ғарбий томондан – Каттақўрғон тумани захира ерлари.	
7.	<b>Қўшработ тумани, “Чорлоқ” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – яйлов майдони ҳудуди; шарқий томондан – яйлов майдони ҳудуди; жанубий томондан – яйлов майдони ҳудуди; ғарбий томондан – яйлов майдони ҳудуди.	10,0
8.	<b>Нарпай тумани, “Тепа” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Одилжон Фарруҳ” фермер хўжалиги ҳудуди; шарқий томондан – “Оромгоҳ” кичик саноат зонаси ва “Ойтўла” фермер хўжалиги ҳудуди; жанубий томондан – “М-37 Самарқанд–Бухоро–Туркманбоши” автомагистрали; ғарбий томондан – “Тепа” МФЙ ҳудудининг ички йўллари.	11,0
9.	<b>Оқдарё тумани, “Чорбоғ-2” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – дала йўли, зах ариқ, “Rasul Goldin Gren” фермер хўжалиги ҳудуди; шарқий томондан – “Rasul Goldin Gren” фермер хўжалиги ҳудуди; жанубий томондан – Самарқанд вилояти Давлат ўрмон хўжалиги ҳудуди; ғарбий томондан – “Agro Bravo чорваси” фермер хўжалиги ҳудуди.	11,5
10.	<b>Оқдарё тумани, “Дахбед” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Иқбол” фермер хўжалиги ҳудуди; шарқий томондан – “Келажак” фермер хўжалиги ҳудуди; жанубий томондан – “Сайджон Фердавс парадайс” фермер хўжалиги ҳудуди; ғарбий томондан – Дахбед қўрғони.	9,9
11.	<b>Пайариқ тумани, “Чоштепа” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – аҳоли томорқа ерлари; шарқий томондан – аҳоли томорқа ерлари; жанубий томондан – “Эшмоқсоқ” қишлоғига кириш йўли; ғарбий томондан – зах ариқ ҳудуди.	16,4
12.	<b>Паҳтачи тумани, “Наҳрипай” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Абдурасул ота боғ мевалари” фермер хўжалиги ҳудуди; шарқий томондан – “Абдурасул ота боғ мевалари” фермер хўжалиги ҳудуди; жанубий томондан – “Мадина савдо белгиси” хусусий корхонаси ҳудуди;	80,0

T/р	Худуд ва үнинг чегаралари	Майдони (га)
	ғарбий томондан – “Султонобод” ММТП ҳудуди.	
13.	<b>Самарқанд тумани, “Қорасув” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Она Замин” МЧЖ ҳудуди; шарқий томондан – “Захлик” МФЙ ва “Миришкор” МФЙ ҳудуди; жанубий томондан – аҳоли яшаш пункти; ғарбий томондан – “Она Замин” МЧЖ ҳудуди.	29,7
14.	<b>Тойлоқ тумани, “Хўжақишилоқ” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Саричашма Жумабозор” фермер хўжалиги ҳудуди; шарқий томондан – “Муҳиддин Ҳусниддин боғлари” фермер хўжалиги ҳудуди; жанубий томондан – Намунавий уй-жой ва мактаб ҳудуди; ғарбий томондан – “Акбархон Дадаҳон далалари” фермер хўжалиги ҳудуди.	14,9
15.	<b>Ургут тумани, “Тинчлик” МФЙ ҳудуди*:</b>  шимолий томондан – Ваткан агрофирмасидан “Шахбоз Мелиқулов агросервис” фермер хўжалиги ҳудудигача; шарқий томондан – “4R-47 Ургут–Булунғур” автомобиль йўли; жанубий томондан – “A-377 Самарқанд–Айний” автомобиль йўли; ғарбий томондан – “Ваткан” агрофирмасидан “Зафар Умид Султони” фермер хўжалиги ҳудудигача.	20,0
16.	<b>Ургут тумани, “Сариқтепа”, “Деҳқонобод” ва “Юқори Санчиқұл” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Азиз Иброҳим Нурли замини” фермер хўжалиги, “Мавлон Агро бизнес” фермер хўжалиги ва “Зафар Нурли замини” фермер хўжалиги ҳудудлари; шарқий томонидан – “Ургут” эркин иқтисодий зonasининг ҳудуди таркибига кирувчи “Сариқтепа” мавзесидаги ер майдонлари; жанубий томондан – “Айнагул Ҳаким Фарангизхон” фермер хўжалиги ва “Хайдаров Аслиддин” фермер хўжалиги ер майдонлари; ғарбий томондан – “Айнагул Ҳаким Фарангизхон” фермер хўжалиги ер майдонлари.	92,0
17.	<b>Ургут тумани, “Сариқтепа” мавзеси ҳудуди:</b>  шимолий томондан – “Сариқтепа” МФЙ аҳоли яшаш пункти; шарқий томондан – сой ҳудуди; жанубий томондан – автомобиль йўллари; ғарбий томондан – “Ургут” эркин иқтисодий зonasининг ҳудуди.	20,0
18.	<b>Пастдарғом тумани, “Дўстлик” МФЙ ҳудуди:</b>  шимолий томондан – Пастдарғом тумани ҳокимлиги захирасидаги ерлар; шарқий томондан – автомобиль йўллари;	68,0

T/p	Худуд ва унинг чегаралари	Майдони (га)
	жанубий томондан – “Люкс Гарден” фермер хўжалиги ҳудуди; ғарбий томондан – “Чарос Агро үзумлари” МЧЖ ҳудуди.	
	<b>Жами:</b>	<b>559,8</b>
<b>Сурхондарё вилояти бўйича</b>		
19.	<b>Денов тумани, “Ғалаба” СИУ мавзеси, “Қўзичноқ” МФЙ ҳудуди</b>  шимолий томондан – автомобиль йўллари; шарқий томондан – аҳоли яшаш пункти; жанубий томондан – “Рамзиддин Гулзода” фермер хўжалиги ва “Қизил сув дарёси” қирғоғи ҳудуди; ғарбий томондан – “Менгтўра” фермер хўжалиги ҳудуди.	21,0
	<b>Жами:</b>	<b>21,0</b>
	<b>Жами:</b>	<b>580,8</b>

\**) Мазкур ҳудудда 2021–2023 йилларда логистика маркази, консигнация омборлари, савдо мажмуаси, меҳмонхона, автокемпинг, АЁҚШ ва бошқа объектлар ташкил этилади.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2021 йил 4 ноябрдаги ПҚ-5278-сон қарорига  
2-илова

**“Ургут” ЭИЗнинг ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация ва транспорт  
инфратузилмасини ривожлантириш бўйича  
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қиймати (млн.сўм)	Молиялаштириш манбаси	Амалга ошириш муддати
			<b>ЖАМИ:</b>			<b>411 132,20</b>		
1			Автомобиль йўллари	км	52,93	40 957,5	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
2			Сув таъминоти тармоғи	км	70,5	28 310,0	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
				объект	24	15 500,0		
3			Канализация тармоғи	км	53	31 800,0	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
				объект	10	12 100,0		
4			Электр энергияси тармоғи	км	51,85	15 556,5	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
				объект	31	101 720,0		
5			Табиий газ тармоғи	км объект	161,8	159 530,0	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
				объект	28	4 660,0		
6			Алоқа тармоғи тортиш	км	50,8	998,2	“Ўзбектелеком” АҚ маблағлари	2021-2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қиймати (млн.сўм)	Молиялаштириш манбаси	Амалга ошириш муддати
<b>1. Автомобиль йўллари</b>								
1	Булунғур тумани	"Ғўбдин" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	3	3000	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
2	Жомбой тумани	"Назар" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	1,2	1560	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
3	Иштихон тумани	"Кўтарма" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	1	750	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
4	Каттақўрғон шаҳри	"Ислом Шоир" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	2	1500	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
5	Каттақўрғон тумани	"Яккабоғ" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	0,5	375	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
6	Қўшработ тумани	"Чорлок" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	0,6	450	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
7	Нарпай тумани	"Гулистон" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	2,73	2047,5	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
8	Оқдарё тумани	"Дахбед" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	2	1500	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
		"Чорбоғ-2" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	1	600	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
9	Пайариқ тумани	"Наврўз" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	2	1500	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
10	Пахтаки тумани	"Наҳрипай" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	21,5	16125	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Құвваты	Қиймати (млн.сүм)	Молиялаштириш манбаси	Амалға ошириш мүддати
11	Самарқанд тумани	"Қорасув" МФЙ	Автомобиль йўлини капитал таъмирлаш	км	0,3	225	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
12	Тойлоқ тумани	"Хўжақишлоқ" МФЙ	Кириш автомобиль йўлини қуриш	км	3,5	2625	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
13	Ургут тумани	"Тинчлик" МФЙ	Кириш автомобиль йўлини қуриш	км	0,6	450	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
		Сарикепа , "Деҳқонобод", "Юқори Санчиқул" миўй	Кириш автомобиль йўлини қуриш	км	7	5250	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
14	Пастдарғом тумани	"Дўстлик" МФЙ	Кириш автомобиль йўлини қуриш	км	4	3000	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил

**2. Сув таъминоти тармоғи**

1	Булунғур тумани	"Ғўбдин" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	6	2400	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	2	1000		2021-2022 йил
2	Жомбой тумани	"Назар" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	5	2000	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	5	2500		2021-2022 йил
3	Иштихон тумани	"Кўтарма" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	2,6	1040	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	2	1000		2021-2022 йил
4	Каттақўрғон шаҳри	"Ислом Шоир" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	1,5	600	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	1	500		2021-2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Құвваты	Қиймати (млн.сүм)	Молиялаштириш манбаси	Амалға ошириш муддати
5	Каттақүрғон тумани	"Яккабоғ" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	2	800	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	2	1000		2021-2022 йил
6	Құшработ тумани	"Чорлоқ" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	0,8	320	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	1	500		2021-2022 йил
7	Нарпай тумани	"Гулистон " МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	10	4000	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	1	500		2021-2022 йил
8	Оқдарә тумани	"Дахбед" МФЙ	Сув таъминоти тармоғи қуриш	км	6	2400	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	2	1000		2021-2022 йил
		"Чорбоғ-2" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	6	2400	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	2	1000		2021-2022 йил
9	Пайариқ тумани	"Наврұз" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	3	1200	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	1	500		2021-2022 йил
10	Пахтачи	"Нахрипай" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	7	2800	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	2	1000		2021-2022 йил
11	Самарқанд тумани	"Қорасув" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	1,1	550	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
12	Тойлоқ тумани	"Хұжакишлоқ" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	5	2000	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	1	4000		2021-2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Құвваты	Қиймати (млн.сүм)	Молиялаштириш манбаси	Амалға ошириш мүддати
13	Ургут тумани	"Тинчлик" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	2,5	1000	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	2	1000		2021-2022 йил
		"Сариқтепа", "Дәхқонобод", "Юқори Санчиқул" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	6	2400		2021-2022 йил
14	Пастдарғом тумани	"Дүйстлик" МФЙ	Сув таъминоти тармоғини қуриш	км	6	2400	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув насос станциясини қуриш	объект	1	500		2021-2022 йил
<b>3. Канализация тармоғи</b>								
1	Бұлунғұр тумани	"Ғұбдин" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	3	1800	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
2	Жомбай тумани	"Назар" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	5	3000	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2021-2022 йил
3	Иштихон тумани	"Күттарма" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	1,5	900	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2021-2022 йил
4	Каттақүрғон шаҳри	"Ислом Шоир" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	2	1200	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
5	Каттақүрғон тумани	"Яққабоғ" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	3	1800	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2021-2022 йил
6	Құшработ тумани	"Чорлоқ" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	2	1200	Араб мұвофиқлаштириш гүрухы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил

Т/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Қуввати	Қиймати (млн.сўм)	Молиялаштириш манбаси	Амалга ошириш муддати
7	Нарпай тумани	"Гулистан" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	1,5	900	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2022 йил
8	Оқдарё тумани	"Даҳбед" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	8	4800	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2021-2022 йил
		"Чорбон-2" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	5	3000		2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2021-2022 йил
9	Пайариқ тумани	"Наврӯз" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	1	600	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
10	Пахтаки тумани	"Наҳрипай" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	1	600	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2021-2022 йил
11	Самарқанд тумани	"Қорасув" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	2	1200	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
12	Тойлоқ тумани	"Хўжақишилоқ" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	5,5	3300	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	4000		
13	Ургут тумани	"Тинчлик" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	2,5	1500	Араб мувофиқлаштириш гурӯҳи институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш (500 м3)	объект	1	900		
		"Сариқтепа", "Деҳқонобод", "Юқори Санчиқул" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	5	3000		2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Құввати	Қиймати (млн.сүм)	Молиялаштириш манбаси	Амалға ошириш мүддати
14	Пастдарғом тумани	"Дүстлик" МФЙ	Канализация тармоғини қуриш	км	5	3000	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			Сув тозалаш иншоотини қуриш	объект	1	900		2021-2022 йил
<b>4. Электр энергияси тармоғи</b>								
1	Булунғұр тумани	"Ғұбдин" МФЙ	Хаво электр линиясини тортиш	км	0,75	72	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			630 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	1	400		2021-2022 йил
2	Жомбай тумани	"Назар" МФЙ	Хаво электр линиясини тортиш	км	8	760	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			630 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	3	900		2021-2022 йил
3	Иштихон тумани	"Күттарма" МФЙ	Хаво электр линиясини тортиш	км	2	190	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			630 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	4	640		2021-2022 йил
4	Каттақүрғон шаҳри	"Ислом Шоир" МФЙ	Хаво электр линиясини тортиш	км	2,5	237,5	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	2	600		2021-2022 йил
5	Каттақүрғон тумани	"Яққабоғ" МФЙ	Хаво электр линиясини тортиш	км	2,5	237,5	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	2	600		2021-2022 йил
6	Құшработ тумани	"Чорлоқ" МФЙ	Хаво электр линиясини тортиш	км	3	285	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			630 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	1	480		2021-2022 йил
7	Нарпай тумани	"Гулистон" МФЙ	Хаво электр линиясини тортиш	км	0,7	66,5	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарининг маблағлари	2021-2022 йил
			630 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	1	400		2021-2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Құввати	Қиймати (млн.сүм)	Молиялаштириш манбаси	Амалға ошириш мүддати
8	Оқтарә тумани	"Дахбед" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	5	475	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	2	950		2021-2022 йил
		"Чорбог-2" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	5	475		2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	1	550		2021-2022 йил
			Ҳаво электр линиясини тортиш	км	0,8	76	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			630 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	1	400		2021-2022 йил
		"Наврұз" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	5	475	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	3	1350		2021-2022 йил
9	Пайариқ тумани	"Наврұз" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	1,1	104,5	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	1	800		2021-2022 йил
10	Пахтаки тумани	"Нахрипай" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	7	665	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	2	950		2021-2022 йил
11	Самарқанд тумани	"Қорасув" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	2,5	237,5	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	4	3800		2021-2022 йил
12	Тойлоқ тумани	"Хұжакишлоқ" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	3	5600	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	2	80000		2021-2022 йил
13	Ургұт тумани	"Тинчлик" МФЙ	Ҳаво электр линиясини тортиш	км	3	5600	Араб мұвоғиқлаштириш гурұхы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			1000 кВ құвватли трансформатор қуриш	объект	2	80000		2021-2022 йил
		"Сарықтепа", "Дөхқонобод", "Юқори Санчиқул" МФЙ	110 кВт ҳаво электр линиясини тортиш	км	2	125 мВа құвватли трансформатор қуриш		2021-2022 йил
			125 мВа құвватли трансформатор қуриш	объект	1	237,5		2021-2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Құввати	Қиймати (млн.сүм)	Молиялаштириш манбаси	Амалға ошириш мүддати
14	Пастдарғом тумани	"Дўстлик" МФЙ	110 кВт ҳаво электр линиясини тортиш	км	3	5600	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			10000 кВа құвватлы трансформатор қуриш	объект	1	8900		2021-2022 йил
<b>5. Табиий газ тармоғи</b>								
1	Бұлұнғұр тумани	"Ғўбдин" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	8	8400	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
		"Ғўбдин" МФЙ	Саноат коллекторини ўрнатиш	объект	1	165		2021-2022 йил
2	Жомбай тумани	"Назар" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	5	5250	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
		"Назар" МФЙ	Саноат коллекторини ўрнатиш	объект	3	495		2021-2022 йил
3	Иштихон тумани	"Кўтарма" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	9,6	7200	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатиш	объект	1	165		2021-2022 йил
4	Каттақўрғон шаҳри	"Ислом Шоир" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	35	36750	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатиш	объект	2	350		2021-2022 йил
6	Каттақўрғон тумани	"Яққабоғ" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	11	4070	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
7	Қўшработ тумани	"Чорлоқ" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	0,7	735	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатиш	объект	1	165		2021-2022 йил
8	Нарпай тумани	"Гулистон" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	6	6300	Араб мувофиқлаштириш гурұхы институтларининг маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатиш	объект	2	330		2021-2022 йил

T/р	Тұман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Үлчов бирлиги	Құвваты	Қиймати (млн.сүм)	Молиялаштириш манбасы	Амалға ошириш муддаты
4	Оқтарә тұмани	"Дахбед" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	9,4	9 870	Араб мұвоғиқлаштириш гүрухы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	2	330		2021-2022 йил
		"Чорбөг-2" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	5	5 250		2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	1	165		2021-2022 йил
9	Пайарық тұмани	"Наврұз" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	20	21000	Араб мұвоғиқлаштириш гүрухы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	1	165		2021-2022 йил
10	Пахтачи тұмани	"Нахрипай" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	8	8400	Араб мұвоғиқлаштириш гүрухы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	2	350		2022 йил
11	Самарқанд тұмани	"Қорасув" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	1,1	1155	Араб мұвоғиқлаштириш гүрухы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	Объект	1	165		2021-2022 йил
12	Тойлоқ тұмани	"Хұйжақишлоқ" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	3	3150	Араб мұвоғиқлаштириш гүрухы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	2	330		2021-2022 йил
13	Ургұт тұмани	"Тинчлик" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	28	29400	Араб мұвоғиқлаштириш гүрухы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	4	660		2021-2022 йил
		"Сарықтепа", "Деконобод", "Юқори Санчиқұл" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	4	4200		2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	3	495		2021-2022 йил
14	Пастдарғом тұмани	"Дүстлик" МФЙ	Табиий газ тармоғини қуриш	км	8	8400	Араб мұвоғиқлаштириш гүрухы институттарының маблағлари	2021-2022 йил
			Саноат коллекторини ўрнатыш	объект	2	330		2021-2022 йил

T/р	Туман номи	ЭИЗ манзили	Объект номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати	Қиймати (млн.сўм)	Молиялаштириш манбаси	Амалга ошириш муддати
<b>6. Алоқа тармоғи</b>								
1	Булунғур тумани	"Ғўбдин" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	11	223	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
2	Жомбой тумани	"Назар" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	2,5	37	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
3	Иштихон тумани	"Кўтарма" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	2	29,6	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
4	Каттақўрғон шаҳри	"Ислом Шоир" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	1,5	43,4	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
5	Каттақўрғон тумани	"Яккабоғ" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	2,5	37	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
6	Қўшработ тумани	"Хонназар" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	3	44,4	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
7	Нарпай тумани	"Гулистон" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	2,3	53	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
8	Оқдарё тумани	"Даҳбед" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	4	112	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
		"Чорбоғ-2" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	6	168	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
10	Пахтаки тумани	"Наҳрипай" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	10	148	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
11	Самарқанд тумани	"Қорасув" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	1	14,8	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
12	Тойлоқ тумани	"Хўжақишлиқ" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	1	28	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
13	Ургут тумани	"Тинчлик" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	3	44,3	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил
14	Денов тумани	"Чоргул" МФЙ	Алоқа тармоғи тортиш	км	1	15,7	"Ўзбектелеком" АК маблағлари	2021-2022 йил

**Изоҳ :** Кўрсатилган қувват ва тармоқ узунликларига лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан ўзгартириши киритилиши мумкин.

